

# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРИНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА №49793

Булунгур шаҳар

«25» «октябрь» 2022 йил

**"UNIVERSAL INSHOAT STROY" МЧЖ**, (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбар **Ф.Шарипов** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва **Булунгур туман ҳокимлиги** (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари **С.Аstonов** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи" га *Булунгур тумани Маркиазий истирохат боғида сугориш қудуғи қуриш ишлари* (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

## II. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига қўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;

- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда қайюлтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

### 2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг \_\_\_\_\_ кун мобайнида ҳақ тўлаш.

### 2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

### 2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;

2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни \_\_ кун муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 июльдаги 1154-сонли фармонида асосан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган товар (бажариладиган ишлар, курсатиладиган хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатилиши тақиқланган.

### III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **399 800 000 (уч юз тўқсон тўққиз миллион саккиз юз минг)** сўм 00 тийинни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи миқдорида 2022 й октябрь ойида олдиндан ҳақ тўлайди ва Кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи миқдорида якуний тўловни амалга оширади.
- 3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади. Смета лойиҳасида кўрсатилган ишларни бажариш муддати 30 кун
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилиш йўли, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралиюльди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилди. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Ҳизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этиюльди.
- 5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.
- 5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.
- 5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, коидага кўра, муस्ताкил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муурожаат килишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «25» октябрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
- 7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

- 8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.
- 8.2. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Булунгур тумани буйича Газначилик булинмасидан белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга киради.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
- 9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»

**"UNIVERSAL INSHOAT STROY" МЧЖ**

(ижрочининг номи)

Манзили: Булунгур Спитамен к 4 уй

тел\факс:

х\р: 20208000400862830001

Банк номи: Инфинбанк Самарканд филиали

МФО: 01133, ИНН: 305436465

«Буюртмачи»

**Булунгур туман ҳоқимлиги**

(бюджет маблағларини олувчи номи)

манзили; Муस्ताкиллик майдони 1 уй

тел\факс:

ш\хв


Банк номи: Марказий банк ББ ХККМ

МФО: 00014 ИНН: 200731256

:

Рахбар: **Ф.Шарипов**

(имзо)



Рахбар: **Д.Хабидуллаев**

(имзо)



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 162984 на приобретение Булунгур тумани Марказий истироҳат боғида суғориш қудуғи қуриш ишлари**

Способ проведения электронный

Дата 20.10.2022

Время рассмотрения 20.10.2022 11:45

Закупочная комиссия Булунгур туман хокимлиги, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Секретарь комиссии</b>	UMAROV SHARIFXON SAIDXON O'G'LI	аъзо	Булунгур туман хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	XASANOV BERDIYOR ISHMAMATOVICH	Аъзо	Булунгур туман хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	RIZAYEV ABDUMUTALLIB BEKTOSHOVICH	Аъзо	Булунгур туман хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	RAZOQOV JAXONGIR BAXTIYOR O'G'LI	Аъзо	Булунгур туман хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	ELMURATOV ALISHER MIRTAZAYEVICH	Аъзо	Булунгур туман хокимлиги
<b>Председатель комиссии</b>	XABIBULLAYEV DILSHOD ISMAILOVICH	комиссия раиси	Булунгур туман хокимлиги

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.10.2022 года № лота 162984.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 75

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по проектированию и бурению скважины подземных вод
Подробное описание	Булунгур тумани Марказий истироҳат боғида суғориш қудуғи қуриш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	399 821 822.00
Стартовая сумма	399 821 822.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Булунгур тумани Марказий истироҳат боғида суғориш қудуғи қуриш ишлари

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SAXOVOTLI TEMUR" XK	20	"SAXOVATLI TEMUR" XK Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффоф кўриб чиқиш учун асословчи ҳужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди.	15	Экспертная		
OOO UNIVERSAL INSHOAT STROY	20	Объект билан тулик танишиб чикдик	20	Экспертная		
OOO LAZIZJON STROY SERVICE	20	Булунгур тумани Марказий истироҳат боғида суғориш қудуғи қуриш ишлари	19	Экспертная		
OOO "DIYORXON DILSHOD QURUVCHI	20	45	18	Экспертная		

Критерий №2 килган ишлари

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SAXOVOTLI TEMUR" XK	20	"SAXOVATLI TEMUR" XK Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффоф кўриб чиқиш учун асословчи ҳужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди.	8	Экспертная		
OOO UNIVERSAL INSHOAT STROY	20	Куйида гос актлар ва тегишли ҳужжатларни келтирамиз	20	Экспертная		
OOO LAZIZJON STROY SERVICE	20	Курилиши	19	Экспертная		
OOO "DIYORXON DILSHOD QURUVCHI	20	Шартномалар	15	Экспертная		

Критерий №3 пудратчи тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SAXOVOTLI TEMUR" XK	20	"SAXOVATLI TEMUR" XK Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффоф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди.	20	Экспертная		
OOO UNIVERSAL INSHOAT STROY	20	Ташкилотимиз курилиш ишлари билан шугулланиб келмоқда	20	Экспертная		
OOO LAZIZJON STROY SERVICE	20	Курилиш	19	Экспертная		
OOO "DIYORXON DILSHOD QURUVCHI	20	пекпе	16	Экспертная		

Критерий №4 жойлашган манзили

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SAXOVOTLI TEMUR" XK	20	"SAXOVATLI TEMUR" XK Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффоф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди.	19	Экспертная		
OOO UNIVERSAL INSHOAT STROY	20	Ташкилотимиз курилиш ишларни амалга оширади ва корхонамиз фаолиятига 5 йилдан ошган булиб Булунгур тумани Спитамен кучасида жойлашган	20	Экспертная		
OOO LAZIZJON STROY	20	Жомбой тумани	19	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SERVICE						
ООО "DIYORXON DILSHOD QURUVCHI"	20	пеке	2	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО LAZIZJON STROY SERVICE	399 821 822.00	399 820 000.00 UZS	399 820 000.00	00.00	399 820 000.00	20.10.2022 08:37:35	19.999
ООО UNIVERSAL INSHOAT STROY	399 821 822.00	399 800 000.00 UZS	399 800 000.00	00.00	399 800 000.00	20.10.2022 08:28:22	20

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО "DIYORXON DILSHOD QURUVCHI"	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ООО LAZIZJON STROY SERVICE	76	19.999	95.999
"SAXOVOTLI TEMUR" XK	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ООО UNIVERSAL INSHOAT STROY	80	20	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 162984 от 20.10.2022 года на приобретение Булунгур тумани Марказий истироҳат боғида сугориш кудуги куриш ишлари определила победителем:

ООО UNIVERSAL INSHOAT STROY  
305436465

и резервный исполнитель: ООО LAZIZJON STROY SERVICE (305608567)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XABIBULLAYEV DILSHOD ISMAILOVICH	Согласен	
Член комиссии	XASANOV BERDIYOR ISHMAMATOVICH	Согласен	
Член комиссии	RIZAYEV ABDUMUTALLIB BEKTOSHOVICH	Согласен	
Член комиссии	RAZOQOV JAXONGIR BAXTIYOR O'G'LI	Согласен	